

ЖАМЛИК СЎЗИ



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси 27 май, шанба, 1995 йил Сотувда эркин нархда. № 100 (1102)

ҲАМКОРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ ЙЎЛИДА

Минск. (26 май. ЎЗА махсус мухбири Амирсул Карим хабар қилади).

25 май кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов МДХга аъзо мамлакатлар давлат бошлиқлари ва ҳукумат раҳбарларининг навбатдаги учрашувида иштирок этиш учун Беларус пойтахти Минскка келди. Минск аэропортида Ўзбекистон Президентини Беларус Президенти А. Лукашенко, Бош вазир М. Чигир, МДХнинг ижрочи котиб И. Коротченя ва бошқа расмий кишилар кутиб олди. МДХга аъзо давлатлар байроқлари билан безатилган аэропортида Ўзбекистон Президентини тантанали кутиб олиш маросими бўлди.

Хурматли меҳмон шарафига фахрий қорувул саф тортиди. Шундан сўнг И. Каримов ва унга ҳамроҳлик қилаётган мамлакатимиз делегацияси аъзолари ўзлари учун ажратилган қароргоҳга келдилар. 26 май кунини МДХга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг кенгаши бошланди.

Бу мажлисда давлат раҳбарлари давлатлараро валюта қўмитасини тузиш, МДХ чегараларини мустақамлаш, иқтисодий интеграцияни кучайтириш каби масалаларни муҳокама қилдилар.

Айни пайтда бошқа бирода МДХга аъзо мамлакатлар ҳукумат раҳбарларининг мажлиси бўлиб ўтди. Ҳукуматлар раҳбарлари турли со-



Оқдарё туманидаги К. Маркс номи деҳқон хўжаликлари уюшмаси миришкорлари бу йил 230 гектар майдонга чиқит экишиб, ниҳолларни тўлиқ уюштириб олишди.

Заршунослар ҳар гектар ердан 35 центнердан ҳирмон уюш ниятида. Улар айни кунларда гўзаларга 2-иншо берилиши яқинлашмоқда.

СУРАТДА: деҳқон хўжаликлари уюшмаси раҳбари Темур Саидов «Ойтамғали» деҳқон хўжалиги раиси Мавлон Соҳиддинов.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ тасвирга олган.

МАСЪУЛИЯТ БИЛАН ЁНДАШАЙЛИК

25 май кунини «Ўздонмаҳсулот» давлат-акционерлик корпорацияси кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 1995 йил 16 майда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган нутқида ўртага қўйилган вазифалар муҳокама қилинди. «Ўздонмаҳсулот» тизимида мулкни хусусийлаштириш, иқтисодийнинг давлатга қарашли бўлмаган тармоқларини ривожлантириш масалалари, корпорация корхоналари билан маҳсулот олувчи ташкилотлар ўртасидаги ҳисоб-китобнинг аҳоли ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «1995 йилда бошқоқ дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олиш ва давлатга топширишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариши юзасидан амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар кўриб чиқилди.

Йиғилишда Тошкент, Жиззах, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳар дон маҳсулотлари уюшмалари корхоналарида иқтисодий ислохот талаб даражасида амалга оширилмаётгани, айрим раҳбарларнинг масъулиятсизлиги сабабли мулкчилик шакли ўзгаргани билан иш эскича қолаётгани, маҳсулотларнинг сифатига етарли эътибор берилмаётгани, ички ва ташқи ҳисоб-китоб ишлари яхши йўлга қўйилмагани, бир қатор корхоналарда 1995 йил галла ҳосилини қабул қилиб олишга тайёргарлик етарли даражада эмаслиги қаттиқ танқид қилинди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар дон маҳсулотлари уюшмаларига ўз фаолиятларида юзакчиликка йўл қўяётган раҳбарларнинг жавобгарлиги масалаларини кўриб чиқиш, иқтисодий ислохотларни амалга оширишдаги камчиликларни бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўриш вазифаси топширилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Кенгаш йиғилишида Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А. Муталов сўзга чиқди.

(ЎЗА).

ЎҚУВЧИПАР ЯРМАКАСИ

Тошкентда Халқ таълими вазирлигига қарашли хунар-техника билим юртлиари ўқувчилари ишлаб чиқарган маҳсулотлар ярмаркаси очилди. Унда барча вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидан уч юздан ортиқ билим юрти иштирок этмоқда.

Кўргазмага 200 турдан зиёд, ҳам 15 миллион сўмлик маҳсулот олиб келинган.

Халқ таълими вазирлиги ўқув юртлиарида бюджетдан ташқари қўшимча маблағ топиш бўйича катта ишларни амалга оширмоқда. Бунга ўқув устаноналари ва бошқа хўжалик бўлинмаларида саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни, аҳолига пуллик хизмат кўрсатишни ташкил этиш йўли билан эришилмаётган. Ўқув йили якунида билим юртлиари маҳсулотлари тайёрлаган маҳсулотлар республика ярмаркасини ўтказиш эса анаъананага айланиб қолди.

— Бу йилги ярмарка миллий хунармандчилик буюмлари кўпчилиги билан фарқ қилади, — дейди халқ таълими вазирининг ўринбосари Х. Маъсудов. — Билим юртлиарида ота-боболаримиздан мерос касб-хунарларни тиклашга катта аҳамият берилмоқда. Шу боғи талаба ёшларимизда касбчилик, гиламдўзлик, мисгарлик, зардўз-

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА УЧРАШУВ

26 май кунини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков АҚШ Савдо вазирлиги маслаҳатчиси Ян Калицки раҳбарлигидаги делегация аъзолари билан учрашди.

И. Жўрабеков меҳмонларни Ўзбекистонга ташрифи билан қутлар экан, уларга мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, хусусийлаштириш жараёни ҳақида сўзлаб берди. Ян Калицки Ўзбекистонга ташрифи «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси ишта тушган кунга тўғри келганидан мамнуналик изҳор этди. Бу мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада мустақамлашга хизмат қилади, деб таъкидлади у.

Тадбирда ҳар икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Учрашувда республика Бош вазирининг ўринбосарлари Ў. Султонов, Қ. Ҳаққулов, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқарувининг раиси Р. Азимов ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

Учрашувда АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавкулда ва Мухтор элчиси Генри Лии Кларк ҳозир бўлди.

(ЎЗА).

АЗАЛИЙ ДУСТЛИК БУЗИЛМАЙДИ

Қозғистонда Ўзбекистон Республикаси кўлари ниҳоясиза етди. Унинг иштирокчилари «Ўзбекистон» фирмага поездида Тошкентга қайтиб келишди.

Дустлик тантаналари бир ҳафта олдин, қардош республика пойтахти — Алматы делегациямиз аъзоларини гуллар ва мусиқа садолари билан кутиб олган пайтда бошланган эди. Делегация сафида йирик корхоналарнинг раҳбарлари, тадбиркорлар, олимлар, фан ва маданият арбоблари бор эди.

Қозғистонда ўтган Ўзбекистон кўнари фақат икки қардош халқ бирлигининг байрамиданга бўлиб қолгани йўқ. Бу тадбирнинг натижалари аниқ ва равшан бўлиб, амалий самара келтириши лозим. Бу натижалар Марказий Осиёдаги икки республика ўртасида интеграция жараёнининг янада ривожланишига хизмат қилади. Дустлик байрами кўнарида бўлиб ўтган жуда кўп учрашуларда хилма-хил соҳаларда ҳамкорлик қилиш тўғрисида дастлабки ахдноларга эришилди. Чунки, жаҳондаги бирорта мамлакат кўнари билан мустақам ҳамкорлик қилмай туриб, чинакам сиёсий ва иқтисодий мустақилликка эриша олмайдди. Ўзбекистон билан Қозғистон ўртасидаги ҳамкорлик асослари илгиридан мавжуд. Бир қанча ҳукуматлараро битимлар муваффақиятли амалга ошмоқда, иқтисодий интеграция дастури амал қилмоқда, Ўзбекистон-Қозғистон чегарасида боқона тўсиқлари олиб ташланган. Минтақада давлатлараро кенгаш тузилган, биргаликдаги сайёҳаракатлар туфайли очилган марказий Осиё тараққиёт ва ҳамкорлик банки энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш учун маблағ ажратилди.

Булларнинг ҳаммаси бевоқиф алоқаларга асосланган ягона иқтисодий худудни барпо этишга қўмақлашади. Бундай алоқалар ҳозирданок Тошкент ва Жанубий Қозғистон вилоятлари ўртасида йўлга қўйилган. Чимкентда икки йилдан бери «Тошкент» Ўзбекистон савдо уйи ишлаб турибди. Унинг фаолияти туфайли кўшма вилоятлар ўртасидаги товар обороти ҳамма муттасил кўпайиб бормоқда.

Қозғистонда ўтган Ўзбекистон кўнари давомида илгўр технологияларнинг қўшма марказини барпо этиш тўғрисидаги битим имзоланди. Республикамиз вакиллари билан Қозғистон тадбиркорлар конгресси аъзолари ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилдилар. Ўзбекистон иқтисодиётининг мустақиллиги йилларида эришган ютуқларини намойиш этган «Интеграция-95» кенг қўламли кўргазма-савдо уюшмаси кўнарида амалий тус берди. Кўргазмага республикамизнинг йирик корхоналари ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг намуналари кўйилган эди.

Қардош республикада Ўзбекистон кўнари фақат пойтахтдагина ўтгани йўқ, Орқалиқ вилоят марказида Фарғона ва Тўғрғай вилоятларининг ҳокимлари иқтисодий ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолалдилар. Шу кўнарида Орқалиқда очилган «Фарғона» савдо уйи бу ҳамкорлик истиқболини кўрсатувчи дастлабки намуна бўлди. Савдо уйида водий саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар савдоси ташкил этилган. Кўқон ун комбинати ва маҳаллий «Адилей» фирмаси раҳбарлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари эвазига калава ва ип етказиб бериш тўғрисида ўзаро шартнома ҳужжатларини имзолалдилар. Қувасой чинни заводининг Орқалиқ керамика комбинати ва Тўғрғай боксит руда бошқармаси билан тузган шартномаларида ҳам ўзаро ҳамкорлик манфаатлари ўз аксини топган.

Жамоа хўжаликлари, саноат корхоналари, олий ўқув юртлиари ва мактабларда ҳам жуда кўп қардошлиқ учрашувлари бўлди. Профессионал ва ҳаваскор артистлар, шоирлар, адиллар қозғистонликлар ҳузурда меҳмон бўлдилар, Улар мезбонларга Ўзбекистон маданиятининг энг яхши намуналарини намойиш этишди. Халқ куйлари ва замонавий мусиқа янгради. Учрашув иштирокчилари жонаҳон диёр гўзаллигини, тарихий илдилар, анъаналар ва урф-одатларнинг муштараклиги бирлаш-

тириб турган кўшма халқлар дўстлигини куйловчи янги асарларни завқланиб тингладилар.

— Қозғистонда ўтган Ўзбекистон кўнари икки халқ ўртасидаги азалий алоқаларнинг узвий давомидир, — дейди Тошкент вилоят халқ таълими бошқармасининг бошлиғи Олег Тожиёв. — Биз Қозғистон диёридаги учрашуларда мен кўп миллатли республикамизда қозқ халқонинг кўпбал вакиллари яшаётгани ҳақида гапириб бердим. Улар ўз маданиятини ривожлантириш учун катти имкониятга эга. Тошкент вилоятининг ўзидангина қозққ тилида таълим бериладиган 70 га яқин мактаб бор. Қозғистон маданият маркази фаол ишлаб турибди. Бу марказ қозққ халқни ютуқларини, унинг маданияти, тарихи ва анъаналарини тарғиб қилмоқда.

— Бултур республикамизда бўлиб ўтган Қозғистон кўнари пайтида тузилган ва ўша асосдан бошлаб амал қилаётган ўзаро илмий ҳамкорлик тўғрисидаги битим ҳозирги учрашув пайтида янада ривож топди, — дейди Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти Иброҳим Искандаров. — Биз Қозғистон миллий Фанлар академиясининг кўпгина бўлинмаларидаги касбдошларимиз билан суҳбатлашдик. Биргаликдаги илмий лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан қандай катта ишлар кутаётгани, икки давлат олимларининг энг муҳим тадқиқотлари қандай бораёт-

гани тўғрисидаги ахборотларни айирбошлаш ҳақида келишиб олди. Бу интеграция жараёнининг чуқурлаштиришга, икки республиканинг иқтисодий ва илмий-техникавий салоҳиятини оширишга қўмақлашади.

— Ўзбекистон тадбиркор хотин-қизлар уюшмасининг ишлаб чиқариш фаолияти қозғистонлик ишбилмоларларда катта қизиқиш уйғотди, — дейди шу уюшма директорининг ўринбосари Гулчехра Ҳамидова. — Биз Қозғистон тадбиркорлар конгресси вакиллари билан ўзаро фойдали ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилдик. Яқин орада амалга оширилмайдиган биргаликдаги фаолият тўғрисидаги маълумотлар протоколи имзоланди.

Қозғистонда бўлиб ўтган Ўзбекистон кўнари икки кўшма мамлакат ўзаро муносабатларини ривожлантириш учун жуда катта аҳамиятга эга. Ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият соҳаларидаги интеграция Ўзбекистон ва Қозғистон халқлари раванқининг, фаровонлиги ортинининг кафолатидир. Амалий алоқаларга асосланган дустлик ҳеч қачон узилмайдди. Чунки, бу дустлик тарихий муштаракликкагина эмас, ўзаро манфаатдорликка ҳам асосланган. Биз фақат биргаликда, кўлини қўлга берибгина олдимизда турган иқтисодий муаммоларни ҳал қила оламиз, минтақамизда вужудга келган яхши кўшничлик ва ҳамжиҳатлик, тинчлик ва миллатлараро тотувлик вазиятини мустақамлаш оламиз.

Анна ИВАНОВА, Аҳмад ХУҶА, ЎЗА мухбирлари. Тошкент-Алматы-Тошкент.

АФРИКА КУНИ НИШОНЛАНДИ

1963 йил 25 майда Эфиопия пойтахти Аддис-Абебада Мустақил Африка давлатларининг конференциясида Африка Бирлиги Ташкилотига (АБТ) асос солинган эди.

Мана 32 йилдирки, мазкур сана Африка куни сифатида нишонланиб келинмоқда. Айни пайтда АБТга Африкадаги 53 давлат аъзо. Ташкилот низомининг асосий тамойиллари АБТга аъзо барча давлатларнинг тенглиги ва эгаменлигини таъминлаш, ички ишларга аралашмаслик, келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал қилиш, сиёсий бокларга қўшилмасликдир.

Шу муносабат билан 25 май кунини Тунис Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонасида тантанали кеча бўлиб ўтди. Унда республикамиз жамоатчилик вакиллари, Ўзбекистондаги хоржий элчихоналарнинг раҳбарлари иштирок этди.

Тунис Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкулда ва Мухтор элчиси Тнани Рида тadbир қатнашчиларини Африка куни билан қутлади. Байрам муносабати билан Тунис Республикаси Президенти ва Африка Бирлиги Ташкилотининг Президенти Зайн Ал-Обидин ибн Алиннинг баёноти ўқиб эшиттирилди.

(ЎЗА).

ВИЛОЯТ ФАОЛЛАРИНИНГ ЙИГИЛИШИ

Қорақалпоғистон фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда шу йилнинг ўтган тўрт ойи режаларининг бажарилиши, биринчи ярим йилликни муваффақиятли якунлаш юзасидан Президент Ислам Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида сўзлаган нутқида ўртага қўйилган вазифалар муҳокама этилди. Республика Вазирлар Кенгаши Раиси Б. Жуманиёв шу ҳақида маъруза қилди.

Йиғилишда иқтисодий ислохотларни амалга оширишда муайян ютуқларга эришилгани таъкидланди. Давлат мулкни хусусийлаштириш, ишлаб чиқаришда ҳиссалдорлар саломини оширишга ҳаракат қилинмоқда. Аммо қимматли қозғалар бозори шаклланимаган. Уттан йилнинг шу даврига нисбатан саноат, истеъмол моллари, чорва маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми камайди. Пуллик хизмат кўрсатиш талаб даражасида эмас. Йиғилиш қатнашчилари ана шундай камчиликларни бартараф этиш борасидаги чора-тадбирларни белгилалдилар.

Фаоллар йиғилишида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Раиси У. Аширбеков нутқ сўзлади.

Вилоят фаолларининг йиғилиши бўлди. Йиғилиш иштирокчилари халқ хўжалиги тармоқларини ўзининг шу йил биринчи чорадаги якунларини, Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг 16 май кунини Вазирлар Маҳкамасида сўзлаган нутқи асосида виллоятда иқтисодий ислохотларнинг қандай ўнатилиши муҳокама қилдилар. Биринчи ярим йилликни муваффақиятли якунлашга доир вазифалар ҳам кўриб чиқилди.

Қилинган ишлар, ишлаб чиқаришни юксалтириш, истеъмол бозорини хариддоргир, рақобатбардошли маҳсулотлар билан тўлдириш учун кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоб-китоблар тингланди.

Йиғилишда виллоятда амалга оширилаётган ислохотлар янада жадаллаштиришни тақозо этаётгани алоҳида таъкидлаб ўтилди. Барча бўлинмаларда раҳбарлар боқимондалик кайфиятига йўл қўймайдиган бозор иқтисодиётининг қаттиқ талабларига мувофиқ ишлаши зарур.

Йиғилиш иштирокчилари галла урими ва дон тайёрлашни ташкил этиш тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқдилар. Бу ишларни қисқа муддатда сифатли ўтказиш чоралари белгиланди.

Йиғилиш иштирокчилари ҳузурда виллоят ҳокими Б. Рашидиев нутқ сўзлади.

(ЎЗА).

• Кишлоқда ислохот қандай борапти

ЕРНИ ИШОНИБ ТОПШИРГАЧ...

Бекобод туманидаги «Улугбек» жамоа хўжалигида яшовчи Нуриддин ва Эркин Аъзамовлар дастлаб Намангонда дастгоҳ ва кававадор олиб келиб, ўз хонадонларида «Феруза» кичик корхонасини очдилар.

Бу ерда ҳозир шу кишлоқнинг 70 дан зиёд йигит-қизи меҳнат қилиб, 16 хил маҳсулот чиқаряпти. Энди корхона Бекобод шаҳридаги заводлар биуртмаси асосида иш қиймлари ва қўлқоплар тиқшига тайёрланмоқда.

Эркин Аъзамов бошчилигидаги «Бобур» фермер хўжалиги ҳам ўтган йили ташкил этилди. Жамоа хўжалиги 70 бош қорамолга мўлжаллаб молхона, айвон қурилди, электрлаштирилди, фермадан кишлоққа олиб борадиган бир ярим километр йўлга раво қилиб шағал ётқизишти.

Ҳозир фермада 6 киши меҳнат қилади. 3 та «МТЗ» трактори, 7 та тележка, 1 та «КИР» ўрим техникаси ишга шай. Ферма жамоаси ўтган йили 4 тоннадан ортиқроқ гўшт, 29 тонна сўт етиштирди.

16 бош соғин сийридан кунига ўртача 10 литрдан сўт соғиб олинмоқда. Ўтган йили 10 гектар майдонга озуқа экинни экилганди. Кишда эҳтиёждан ортган силосдан «Улугбек» жамоа хўжалиги фермасига 55 тонна, «Иттифок» фермер хўжалигига 45 тонна баҳорда кўк беда ва бузоқ олиш шарти билан берилди.

Бу йилдан фойда ола бошлаган фермер хўжалигининг оёққа туриб олишида кичик корхона маблағ билан ёрдам берган бўлса, эндиликда корхона ишчилари арзон нархда сўт ва гўшт олаштиради. Ўзро ёрдам натижасида бу икки тармоқ давлат банкисидан қарз

нинг ривожига чакки эмас.

Кишлоқ кишиси ориятли бўлади. Айниқса, четдан келган кишиларга ўзини жулда қийнаётган муаммолар ҳақида гапирмайди, қимларнингдир номини ёмонга чиқаришни асло истамайди. Бекобод тумани фермер ва деҳқон хўжаликларини уюшмасининг вакили Тоҳир Собиров билан бу икки деҳқонни қийнаётган масалалар ҳақида гап бошлаш анча қийин бўлди.

Ўтган йили шу 11,1 гектар майдонга пахта экиб, 37 тонна пахта жамоа хўжалиги ҳосили қаторида «Далварин» пахта тозалаш заводига топширилган, лекин завод ҳалигача бу пахтани қайта ишлаб чиқармаган, натижада деҳқонлар билан ҳалигача ҳисоб-китоб қилинмаган. Фермернинг сўтига асосий ҳосилдан келадиган даромад келиб тушмаган, маблағ йўқ.

Иккита хусусий савдо дўконим бор, — деди Исабев, — Шулардан тушган фойданинг бир қисмидан минерал ўғит, техника харажати, ишчилар маошини амалда турибман.

Абдурахим Акбаралиев ўтган йили қаламча қилиб ўтказган 50 минг тул терак ёшига етиб, 4 метргача бўй чўзди. Фермернинг ҳисоблашича яна икки-уч йилда бу майдоннинг ҳар бир квадрат метридан уч куб метр қурилиш ашёси олиш мумкин. Егочни қайта ишловчи кичик корхона қуриб, тайёр тахта, эшик, дераза ромлари билан Бекобод тумани аҳолиси эҳтиёжини қоплаш мумкин бўлади.

Темур ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири.

• Галла мустақиллиги йўлида

— Ҳеч бир йил деҳқон учун осон кечмаган. Баъзи йиллар баҳор серёгин келса, қиш эрта тушади. Бу йил қишда қор кам ёғди. Натижада лалми ерда деҳқончилик қиладиган хўжаликлар учун анчагина муаммолар пайдо бўлди. Яхшиямки, баҳорда ёғиб эгилгалзорларимизга мадор киритди. Деҳқонларимиз ҳам тер тўкиб ишлашди. Уруғ ўз вақтида сепилиб, яхши озиқлантирилди. Натижада ҳосил чўғи баланд бўлди. Эндиги асосий вазифа етиштирилган ҳосилни нобуд қилмасдан йиғиштириб олишдир. 9 минг гектар лалми ерда галла экиш хўжалигимиз аъзолари 8,8 центнердан ҳосил олишни режалаштиришган. Биз бу йилдан бошлаб лалми ерларга галла экадиган хўжаликлар учун уруғ етказиб берамиз. Давлатта 420

минг тонна сара уруғ етказиб беришни ният қилганмиз. Бунинг учун барча имкониятлар мавжуд. Жамоамиздаги 42 та ўрим комбайни тўлиқ таъмирланиб, ишга шай қилиб қўйилди. Донни пешма-пеш ташиниш учун барча чора-тадбирлар қўрилди. Галла сомони ҳам оларларга ва фермаларга бир вақтинг ўзида ташиб берилади. Ҳозирнинг ўзидаёқ 6 та «ЗАВ-20», «ОВП-2А», 5 дон «СМП» маркали уруғ саралайдиган техникалар ишга шай қилиб қўйилди. Ўрим-йиғим даврида ме-

ханизаторлар, ишчиларни мингдан кўпроқ аҳоли рағбатлантириш, уларга ҳар яшайди. Ҳар бир оиланинг ўзига яраша муаммоси бор. Шуни инобатга олиб уйга муҳожирлар учун ер ажратиб бераёلمиз.

БИРОВДАН ЁРДАМ КУТМАЙМИЗ

Галлаорол туманидаги Эшонкул Исмоилов номидаги ширкат хўжалиги директори Зарипилла Шарифов билан сўбат

томонлама моддий ёрдам кўрсатиш чораларини белгилаб олдик. Бу муҳим аҳамиятга эга. Айни кунда жамоамиз аъзоларига 40 тонна ун тарқатдик. Дўконлар пештахталарида керакли барча озиқ-овқат маҳсулотлари бор. Хўжалигимиз ҳудудидан 14 монмас. Ҳар ким ўзи арава-сини ўзи тортиши керак. Албатта, яхши ишлаган кишилар яхши яшагача ҳақли. Тўғриси, хўжалигимиз ҳудудидан катта газ қувури ўтган бўлишига қарамай аҳолимиз тиббий газдан бебаҳра. Бу дарё бошла сувсиз ўтириш билан баробар. Йил-

нинг иккинчи ярмида, на-сиб қилса, хўжалигимиз марказига табиий газ келади. Бунинг учун барча ишларни амалга оширмоқдамиз. Қувурлар, газ тақсимлагич техникаларни тайёрлаб қўйганмиз. Ҳадемай, тоғлар орасидаги қишлоқларимизда ҳам табиий газ ёна бошлайди.

Президентимиз галла етиштирувчи хўжаликларга жуда кўп қўлайликлар яратмоқда. Галла харид нархининг оширилиши дон етиштирувчи хўжаликлар аъзоларини янада яхшироқ ва унумлироқ ишлашга ундамоқда. Уйлаймики, деҳқонларимиз ўз олдларига қўйган вазифани ундади, республикамиз галла мустақиллигига муносиб ҳисса қўшади.

«Халқ сўзи» мухбири О. РАҲИМОВ ёзиб олди.

Поп туманидаги қўй ва эчкиликка ихтисослашган «Чоркесар» жамоа хўжалигида ангор эчкиси юннидан рўмол, жемпир тўқийдиган цех янги очилганда бир ишчи ойна нари борса 2-3 та рўмол тўқисан бўлса, ҳозир бир киши кунига биттадан тўқимақда. Шунингдек, айни кунда хўжаликда киши ишлаб чиқарадиган цех ҳам фаолият кўрсатмоқда.

СУРАТДА: цех бошлиги минглаб тўқувчи хотин-қизларнинг мураббийси Гулшаной Мақсудалиева шоғирди Тўхтажон Ортиқова билан.



Т. ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

«КУМУШ ТОПА» МҮЛ БУЛАДИ

Фарғона вилоятида йилнинг илк ҳосили — пиллани териш ушоққоқ билан бошлаб юборилди. Фарғона қурт уруғи заводида ҳосилни биринчи бўлиб Тлошқоқ туманидаги «Заркент» жамоа хўжалиги заршунослари олиб келишди.

Хўжалик асосан уруғлик пилла етиштиришга ихтисослаштирилган. Шунинг учун ҳам заркентлик заршунослардан юқори сифатли ҳосил етказиб беришга талаб катта. Шу масъулиятни тўла ҳис қилган Марҳаб Содиқова 1 қути қурт уруғидан 88,5 килограмм, Иброҳимжон Аскарлов 1,2 қути ҳисобига 117,5 килограмм, Хайрихон Тўйчиева 113 килограмм, Робохон Мадумарова esa 106 килограмм саноатбоп хомашё топширдилар. Мутахассислар янги ҳосил сифатини юқори баҳолашди.

Бу йил вилоятда пиллани жонлаштириш, парваришлаш, қабул қилиб олишгача бўлган барча жараёнларни «Кумуш топа» акционерлик компанияси амалга оширмоқда. Энди ҳосилни қайта ишлаб тайёр маҳсулот ҳолига келтириш ҳам уларнинг зиммасида.

Н. СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

ҚИЙМАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ — МУЛКЧИЛИК РАВНАҚИ

Республикамизда тадбиркорлик, ишбилармонлик ҳаракатининг авжи баланд, иқтисодий ислохотлар босқинчи-босқинчи одамлашяпти.

Завод, корхона, хизматчиларнинг омилкорлар қўлига бериш, хусусийлаштириш, жамоа ва ҳисдорлар мулкига айлантиришни қийматли қоғоз (акция)лар чиқариш ва сотиш орқали амалга ошириш, бу ишни замонавий усуллар ва компьютер техникаси ёрдамида бажариш жараёнлари тобора чуқурлашиб, авж олаёпти. Ислохотларнинг энг муҳим жиҳати ҳисобланган хусусийлаштириш, давлат тасарруфидан чиқаришни жадаллаштириш ҳамда тақомиллаштириш борасида республика Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, ҳокимликлар қабул қилган қўлдан-қўл фармонлар, қарорларни чуқур ўрганган ва билган ҳолда эса қадамларни тўғри ва оқилона ташлаш ютуқларни қўлайтириш омилдир.

Бу соҳада Хоразм вилоятида ҳам кенг миқёсда тадбирлар амалга ошириляпти. Ҳозиргача вилоят бўйича 1247 корхона давлат тасарруфидан чиқарилиб, 170 таси ҳисдорлик жамиятларига айлантирилди. Умумумулки мақомини олган корхона ва ташкилотларнинг 50 тасида қийматли қоғозлар чиқарилиб, вилоятда ва республикамизда фаолият кўрсатаётган миллий депозитарийларга жойлаштирилди. Ўтган бир йил давомида 14 марта кимосиди савдоси ўтказилиб, қиймати миллионларча сўмлик ер-мулк ва бошқа воситалар жисмоний ҳамда юридик шахсларга сотилди. Бундай жараён бутун Республикада ҳам тезкор суръатлар билан давом этаёпти. Биринча ўтган йилнинг ўзида мулкдорлардан анча кўп корхона ва ишхоналар фуқаролар, жамоалар тасарруфига берилди.

«Ўзбекистонни порлоқ истиқболга етакловчи бу каби хайрли тадбирларни яна ҳам жадаллатмоқ даркор», дейишди қийматли қоғозлар бозо-

ЎЗБЕКИСТОНДА УЧИНЧИ БИЗНЕС ИНКУБАТОР ОЧИЛДИ

ТОШКЕНТ Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтида республикада учинчи бўлиб таъкил этилган бизнес инкубатор иш бошлади.

ИЛГАРИ худди шундай инкубаторлар Тошкент давлат техника университетини ҳамда Самарқанд архитектура институтидида очилган эди.

Ирригация институтини қошида кунга кеча очилган саноат бизнес инкубаторининг ташкилий ишлари учун республика Давлат мулк қўмитаси 3 миллион сўм маблағ ажратди. Ўзбекистон ишбилармон хотин-қизлар уюшмаси ва Ирригация институтини инкубаторни очибга ҳомийлик қилдилар. Чунинчи, институт ўзининг ўқув биносидан компьютер ва бошқа керакли ускуналар билан жиҳозланган ўрта хона ажратиб берди. Ҳозирнинг ўзидаёқ бу бизнес инкубатор таркибидида олтинга корхона (субъект) фаолият кўрсата бошлади. Улар кийим-кечак, эфир мойи, шакар, қурилиш ашёлари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шугулланади.

Тантанали очилиш маросимидида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги вакили Холид Малик сўзга чиқиб, бизнес инкубаторнинг аҳамияти, унинг олдинга қўйилган вазифалар ҳақида гапирди ва бу хайрли ишни амалга оширишда кўрсатган катта амалий ёрдамлари учун республика ҳукумати, тегишли вазирликлар ва институт раҳбариятига ташаккур изҳор этди.

(Ўз мухбиримиз).

«ЗАРИСПАРК» ТАМҒАСИ БИЛАН

Зарафшон шаҳридаги Ўзбекистон—Америка қўшма корхонаси 30 га яқин турдаги тилла тақинчоқлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. «Зариспарк» деб аталувчи мазкур корхона никоҳ узуқларини тайёрлашни ҳам ўзлаштириб олди. АҚШ ва Япониядан келтирилган энг замонавий ускуналарда тайёрланаётган бу узуқлар ёш келин-куёвларга манзур бўлиши шубҳасиз.

Дарвоқе, «Зариспарк» Зарафшон шаҳридаги «Атама», «Карпанан»дан кейин учинчи йилки қўшма корхона бўлиб, биринча ўтган йилнинг ўзида улар 96 миллион сўмлик халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқаришга муваффақ бўлди.

Темур ЭШПБОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҲОКИМЛИКЛАР, ТАРМОҚ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА МУАССАСАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Мустақил мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида, қўлтуғ саналар, касб-корни шарафлаш кунлари қарор топган. Мустақиллик байрами ва бошқа ибодийна маросимлар илғор фуқаролар, фаол меҳнаткашларни тақдирлашисиз ўтмайди. Шу мақсадда Матбуотни қўллаб-қувватловчи жамғарманинг «Истиқлол» ноширлик маркази «Фахрий Ерлик» намунасини тайёрлади ва буюртмаларга мувофиқ уни тарқатмоқда. Мурожат учун манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-ўй, ўнг қант, иккинчи қаavat. Тел.: 44-37-86, 44-37-87.

БАРЧА ТАШКИЛОТ, КОРХОНА ВА МУАССАСАЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 октябрдаги 502-сонли қарорига мувофиқ 1995 йил 22 март кунги ИХТИСОСЛАШГАН ПАЙЧИЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ— «АЛОҚАБАНК» Марказий банкда 48-рақам билан рўйхатга олинди.

Банк тавсисчилари Алоқа вазирлигининг корхона ва ташкилотларидир. У очил турдаги пайчилик жамоаси бўлиб, дастлабки Низом фондунинг ҳажми 4 миллион сўмни ташкил этади.

«АЛОҚАБАНК» ўз мижозларига қуйидаги хизматларни тавсия этади:

- пилр жамғармалари ва кредитларни жалб этиш ва жойлаштириш;
- мижозларга касса-хизматини кўрсатиш;
- мижозлар топшириқномаси бўйича ҳисоб-китоб ишларини бажариш;
- мижозлар ва вакил банклар рақами бўйича иш олиб бориш;
- маблағ эгаси ёки маблағ сарфлашини тасарруф этувчининг топшириқномасига кўра, капитал қўйилмалари, инновация тадбирларини молиялаш ва уларга кредит ажратиш;
- тулов ҳужжатлари ва бошқа қимматли қоғозлар (чек, аккредитив, вексел, пай (акция), облигация ва бошқалар) чиқариш;
- давлат тўлов ҳужжатлари ва бошқа қоғозларни харид қилиш, сотиш, сақлаш ва улар билан боғлиқ бошқа операцияларни бажариш;
- учинчи шахс учун пул шаклида кафолатнома ва бошқа мажбуриятлар бериш;
- асбоб-ускуналар, транспорт воситалари ва бошқа мол-мулкларни сотиб олиш ва уларни ижарага бериш (лизинг);
- банк фаолияти билан боғлиқ, брокерлик ва маслаҳат бериш хизматларини кўрсатиш.

«АЛОҚАБАНК» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки руҳсати билан бошқа банк операцияларини ҳам бажариши мумкин.

Мурожат учун манзил: 700000, Тошкент — 35, А.Толстой кўчаси, 1-ўй. Телефонлар: 34-75-57, 32-37-88.

И.П.Т.Б. «АЛОҚАБАНК».

«АСКЛЕПИЙ» — ТАБОВАТ МАСКАНИ

Асклепий — қадимги юнон ривоятларига кўра табоват мабуди. Унга сизини эрмаздан аввали V асрда кенг тарқалган. Самарқандда шу номдаги фармоцевтика фирмасини ташкил этганлар, эҳтимом, бир пайлар бундай жойлар шифо масканлари сифатида олинг тарғатини назарда тутган бўлса ажаб эмас.

Самарқанд шаҳрида «Асклепий» фирмаси ишлаб бошлаганига атинги тўрт ой бўлди. Шу вақт ичиди бир ўз йилгирма минг мижозга хизмат кўрсатилди. Бугунги кунда фирма дорихоналарида 476 хил дорин-дармон солинамоқда. Улар чет эллардаги машҳур «Алжон», «Бюфурпсен», «Сельва», «Бристоль-Майр» сингари фирмалар ва

Россиянинг Москва, Қозон, Уфа шаҳарларидаги фармацевтика заводлари билан беvosита алоқалар уриштиляпти. Ана шу сўз-ҳаракатлар тўғрисида фирма дорин-дармон хили кўпайиб, нархи арзонлашяпти. Бундан ташқари баъзи маҳамларни шу ернинг ўзида ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Вишневский маҳдими, шифоба-

М. МУҚИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«ПУР» КИЧИК ДАВЛАТ КОРХОНАСИ ТУГАТИЛДИ.

«ФАЗ» кичик корхонаси ўз фаолиятини тугатади.

Эътироз ва даъволар билан эълон газетда чоп этилган кундан бошлаб бир ой мобайнида мурожат қилишнинг мумкин. Манзил: Тошкент ш., «Лабзак» меҳмонхонаси. Тел.: 44-28-72.

Тошкент шаҳар машина-созлик саноати ҳодимлари касба уюшма қўмитаси «Сигнал» ИИЧБ бош директори, Тошкент шаҳар кенгаши аъзоси Рустам БАШИРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига ва ҳариндошларига чуқур таъзия билдирадиди.

А. Қодирий номидаги Тошкент давлат Маданият институти ректорати ва касба уюшмаси Жаҳон тиллари ва адабиёт кафедраси катта ўқитувчиси Мунира Алимовага онаси Мухаррам ҚОРБОВЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилди.

Тошкент кимё-технология институти жамоаси институти илмий-тадқиқот сектори бошлиғи Т. Абдиқўловага онаси Гумоҳра АБДИҚЎЛОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



Андижон шаҳри супермаркет усулида хизмат кўрсатадиган яна бир шохбча билан бойиди. У қайта таъмирланиб жиҳозланган икки қаватли бинода ташкил этилди. Энди бу ерда «Оқ олтин» савдо ишлаб чиқариш хиссадорлик жамиятига қарашли фирма дўкони, тикув цехи, саёхат бюроси, ошхона, сартарошхона ва ҳаммом аҳолига хизмат кўрсатадиган бўлди.

Шўрчи тумани марказидаги кўркам боғда уруш ва меҳнат фахрийлари учун икки қаватли «Нуроний» чойхонаси ишга туширилди. Унинг иккинчи қавати турли маросимлар ўтказиш учун жиҳозланди. Қошона очилиш кўни туман ҳокимилиги ташаббуси билан бу ерда тўққиз келин-кўевнинг висол кечаси, икки боланинг суннат тўғи ўтказилди.

ШАНБАДАН... ЖУМАГАЧА

Теренўзак тумани шифохонаси жамоаси билан урғашувга келган «Айқулаш» ашула ва ракс дастаси санъаткорларнинг қадим қўллуқ келди. Турғашовда бир йўла икки жувоннинг кўзи ёрди. Қалби жувонча тўлган онажонлар қоралловистонлик санъаткорлардан янги меҳмонларга исм қўйиб беришни илтимос қилишди. Бўлуғви азаматга Қораллов қалқининг миллий қаҳрамони Ерناзар, қизалоққа «Қирққиз» дostonининг қаҳрамони Гулoлим номи берилди.

Жиззах шаҳридаги марказий стадионда Ўзбекистон Халқ таълими вазирилик утказган бошланғич синф ўқувчилари биринчи республика спорт фестивали бўлиб ўтди. Мусобақа голиблари — Тошкент шаҳри ва Жиззах вилояти жамoаларига вазирилик таъсис этган кубок топширилди. Андижон, Хоразм, Самарқанд вилояти бошланғич синф ўқувчилари ҳам қимматбаҳо совғалар, фахрий ёрликлар билан тақдирланди.

Катта Ўзбек трактининг Зарбор туманини кесиб ўтган жойида замонавий автовокзал қуриб битказилди. Йўловчиларнинг узогини яқин қиладиган бу автовокзал бир соатда 100 кишига хизмат кўрсатади. Замонавий услубда қурилган бу ишшоотда кутиш зали, оналар ва болалар хонаси ва бошқа хоналар бор.

Келинг, миллатимизни қайтариб олайлик. Ёки ўзбек халқ мақоллари изоҳи

ЮРТДА ЎҒРИ ТОПИЛМАСА, ЗАРГАРНИ ДОРГА ОСИ

Халқ заргарларни ҳам кишининг ҳақиқатга хиёнат қилувчи ўғрилари қаторига киритган ва уларга ёмон назар билан қараган, иззаат-хурмат қилмаган. Этнограф Г. П. Снесарев Хоразм воҳасининг ўтмиши ҳақида ёзаркан, бу хуёусда шундай дейди: «Ҳамма информаторлар (маълумот берувчилар — Ш. Шомақсулов) бу касб эгаларининг «ғуноқдор» эканликларини тушунтиришди. Чунки, заргарлар буюртмачиларнинг тилласини «уриб» қоладилар... Қачонларид заргарларни эл-юртдан ажратиб, яқкалаб қўйиш, улар ўғилдан эса умумий мазордан чекка жойга қўйиш одати мавжуд бўлганлигини маълум қилувчи далиллар кўп...

Заргарлар тўғрисидаги бундай гапларни бизга воҳанинг ҳамма ерида маълум қилишди... Кипчоқда ва бошқа жойларда ҳатто «Заргарнинг мазоридек айрилиқ қолсин» ибораси ҳам сақланиб қолган».

СУВГА СОЛСАНГ, СУВ КЎТАРМАС МИСҚОЛ ТЕМИРНИ, ОЛТИН БИЛАН ОЛИП БЎЛМАС, ҚОЛГАН КЎНГИЛНИ

Бу билан «Кишининг кўнгли ниҳоятда нозик бўлади, бировга қаттиқ-қурум гапириб ё ёмонлик қилиб, унинг кўнглини ранжитсанг, жароҳатласанг, кўнглини совутсанг, кейин ундан ҳар қанча узр сўраганинг, кўнглини ошламоқчи бўлганинг билан барибир илгариги ҳолига қайтара олмайсан, кўнгли доғи бутунлай йўқ бўлиб кетмайди» дейилмоқчи. Вариетлари, «Зарра билан кўнгли олинди, зарра билан кўнгли қолади», «Қолган кўнгли — чиққан жон», «Қолган кўнгли — отган ўк» («Отилган ўкни орқага қайтариб бўлмагани каби, қолган кўнглини ҳам қайтариб олиб бўлмайди», дейилмоқчи). «Очарчиликда еган қуйқанинг дами кетмас, қора қайишда сўққан туянинг доғи кетмас» (қуйқа — қўй ё эчкининг қуйдирган қалла териси, қора қайиш — ҳам қайишдан тўқилган йўгон қамчи). Туя кек сақлайдиган ҳайвон. Бир марта қаттиқ урилса, у узоқ вақтгача бунни эсидан чиқармай, кек сақлаб юради. Ҳатто қалтақлаган кишини ҳалок қилиши ҳам мумкин. «Бировнинг кўнглини қолдирсанг, кўнглини олиш учун кўп овора бўласан», дейилмоқчи.

МАРҲАМАТ, ЯНА САВОЛ БОРМИ?

ИСО ПАЙҒАМБАР САМАРҚАНДАДА БЎЛГАНМИ?

Айтишларича Христос (Исо пайғамбар) Самарқандада бўлган экан? Шу ростми? И. Бойжигитов, Сурхондарё.

Жавоҳарлар Неру мукофотининг лауреати, таниқли олим Д. Митрохин Қашмирда «яшириниб» келган қизик бир афсонани ошкор этди. Унда айтилишича, Иисус Христос (Исо) болалик давридаги ўқитувчиси Гуру Чаракнинг ақлий қуввати билан ҳоддан ечиб олинган ва тирилтириб, Қашмирга келтирилган. Афсоналарнинг бошқа бир вариантыда айтилишича, чорўздан Христосни унинг шогирдлари қўл-оёқлари тортилган ҳолатда ечишган ва издошлари унинг шимолга қочишига ҳам ёрдам беришган. Онаси — Биби Мария ва Мария Магдалина билан улар дастлаб Самарқанддан, кейин Қашқардан бошпана топишган. Мария Магдалина шу ерда вафот этгани, ҳатто Синьцзянда унинг қабрини кўрсатадиган кишиларни ҳам топиш мумкин. Узоқ вақт чўзилган саргардонликка Биби Мария ҳам бардош беролмади — унинг қабри Покистон ҳудудидоги Мурре деган кичик бир маконда жойлашган. Афсоналарга кўра, ўзининг энг яқин кишиларини дафн этгач, Иисус Христос ниҳоят Қашмиргача етиб келади. У шу ерда яшаб, оила қуради, фарзандлари дунёга келади. Исо шу ерда 120 ёшида вафот этди.

Тарихимиз зарварақлари

Шаҳрисабдан жанубий-шарқ тарафга чиқарилганда, йўлнинг чап томонида ҳийлагина катта ажойиб боғ бор. «Тўқсабонинг боғи» сифатида маълум ва машҳур.

Боғда уч қитъадан келтириб экилган дарахт, гул кўчатларини учратиш мумкин. Ҳаммаси тартиб ва расамади билан ўтказилган. Қаштан дарахти Қримдан, мурч Кавказдан, пихта, дуб, қарагай Русиядан, сирень ва карнайгуллар Суриядан келтирилган. Ёнғоқнинг ўнга яқин тури бор. Эртагишар, бошқа жойларда даярлик йўқотиб юборилган искана, хусниёсуф, қозидостори олма-ларни шу ердан топасиз. Боғ бўйлаб кетган йўлга атрофларида анвойи гулларнинг 40 дан ортиқ нави барқ уриб, боғнинг бир тароватига ўн гароват қўшиб турибди. Боғни асримиз бошларида яшаб ўтган шаҳрисабзлик Исломуқ Тўқсабо барпо этган. Унинг отаси эл-юртинг обрўли кишиларидан бири бўлган. Бухоро амирлиги томонидан унга оғалиқ унвони берилган, уни Олимжон оғалиқ дейишган. У ўзининг дастлаб Шаҳрисабзда, кейинчалик Бухорода таҳсил олишига эришди. Олимжон оғалиқнинг амир салтанатида тугган ўрни инобатга олинди, унинг ўли дастлаб Петербургдаги ҳарбий мактабда, сўнгра Берлиндаги ҳарбий академияда малакасини оширди. Шу тарихқа салтанатда амирга соддиқ кишилардан яна бир офицер этилиб чиқди. Унга Ҳисор, Денов беқликларида жойлашган ҳарбий қисмларга етакчилик қилиш топширилди. Кейинчалик Кармана тўралиги, Шаҳрисабз беқлиги ҳузуридаги қисмларга

ши, болаларни янгича фикрлашга даъватини амирга бўяб кўрсатишди ва икки ўртада адоват аланганиб борди. Амир Исломуқ Тўқсабони 1918 йили бошқа бир қатор жаҳидлар қатори қатл эттирди. Исломуқ Тўқсабо ҳар бир сайру-сафарига гул ва дарахт кўчатларини олиб келиб, боғ барпо этишни қанда қилмаган. У баланд терак дарахтларига карнайгул ва атиргулларни

Бу ажиб дунё

ВАСИЛИЙ КАНДАЙ ҚИЛИБ «ҚОМИЛАДОР» БЎЛДИ

Кишинёв корхоналарида биринчи ишчиси Василий С. уфатлари билан кун бўйи ичишди. Уфатчилик қўзилиб, журали кечаси ҳам ўзларидан кетгичча вино сипқоринди. Бир суткадан сўнг ўзига келган Василийнинг ишга бормаганлиги эсига тушиб, уфатларида норози бўла бошлади. «Хафа бўлма Васек — дея уни тинчлантиришди шилдошлар. — Бизнинг таниш врачимиз бор, у сенга бюллетен туғрида беради, қарабсан-ки, ҳамма ишлар жойида, окей!» Бу буюқ гождан хурсанд бўлишган шилдошлар кунтилламан «кашфиёт» «ювиш»га киришишди. «Кашфиёт» яна бошқа бир гоғани кашф этишга туртки берди ва охири оқибатда шилдошлар «команда»си уч кун деганда тўлиқ тарқибда оёққа туриб, поликлиника сари йўл олди. «Оғайин»си аввалига интизом, текширишлар қатъийлигини рўқаб қилиб, танишларида ёрдам беришдан бош тортиди, лекин охири оқибат бир йўла уч кишининг битта бюллетен учун бош эгиб, илтимос қилганлигини инобатга олиб, стол тортмасининг тағилан ярми тўдирилган варақани олди-да, Василий С. нинг муборак исми-шарифини, белгиланган кунни қайд этди ва имзо чекди. Ҳаммаси Василий С. ишлайдиган қатъий интизомга риоя қилувчи корхона маъмурияти қароргоҳида бошланди. Қилин қирқ ёрғучи кадрлар бўлими мудириаси беморнинг бюллетенини қабул қилди ва уни қайд этиш жараёнида кўзлари хайратдан ола-кула бўлиб кетди. Беморнинг хасталигини тасдиқловчи қўғоз Василий С. нинг бундан бир неча кун олдин аборт қилдирганидан шохиллик бериб туради. Катъий интизомга риоя қилувчи корхона маъмурияти ишга сабабсиз келмаган ходимини алдоқчилик қилишга урунгани учун ишдан ҳайдашни мумкин эди. Лекин бу ҳолисидан ичати узилганча, сикдидилдан қулган раҳбарлар Василийнинг ростқўйлигини инобатга олишиб, унга ачинишиб ўз иш жойида қолдиришди. Бироқ Кишинёв газетаси «Версия»нинг хабар беришича, бу ҳолиса юзасидан корхона ишчилари оғиздан оғзига қўчиб пайдо бўлган «миш-миш»лар Василийнинг ўзи ариза бериб ишдан кетишига ундаса, ажабмас.

ИСЛОМУҚ ТЎҚСАБО КИМ ЭДИ?

ради. Туркия, Эрон, Афғонистон, Сурия, Ироқ, Ҳиндистон, Миер мамлакатларида бўлиб, ҳарбий алоқаларнинг тикланишига, амир армиясининг қурол-яроғ билан таъминланишига ҳисса қўшади. Унинг хизматлари муносиб тақдирланган. Амир бир неча бор унга шахсан мукофотлар тақдим этади. Тўқсаболик нишонини беради. Уша вақтда «Тўқсабо» амир армиясининг энг юқори ҳарбий унвони ҳисобланган. Исломуқ Тўқсабо армияда бир неча ислоҳ ўтказиш лозимлиги ҳақида амирга талабномалар қўйганди. Амирнинг арқони давлат атрофидаги пешволар унинг гоғларини ислом лашкарлари учун зарарли деб эътироф этишди. Шу сабабли Исломуқ Тўқсабо ҳарбийлик ишидан воз кечади. Шаҳрисабзда жадидизм мактабини очди. Унинг дунёвий фанларни тарғиб қилиш пайванд қилдирган. Теракларнинг тепасида очилган гуллар узоқ-узоқларга кўриниб турган, кишиларни ўзига жалб этган. Бу ҳозирги кунда ҳам сақланиб келинмоқда. Боғнинг ҳар жойи — ҳар жойида ҳовузлар барпо эттирган, бу ҳовузларда тилла баллиқ, хон балиқлар сақланган. Исломуқ Тўқсабо амир лашкарбошиларидан бири сифатида мўтабар лавозимни эгаллаб турган пайтида Бухоро амри Сайид Олимхон Тўқсабонинг боғи таърифини эшитиб, бу ерга ташриф буюрди. Боғнинг режа асосида барпо этилган, баҳаво жойда тиклангани унга маъқул бўлади. Мулозимларига Тўқсабонинг боғида меҳмон бўлишини эълон қилади. Кейинчалик амир ҳар гал Шаҳрисабзда ташриф буюрган чоғида бутун арқони давлати билан Исломуқ Тўқсабонинг боғига тушиш ва уш-

Пўлат ГАДОВЕВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Ўзингизни биласизми?

Дейл Карнеги: ИЛОЖИ БОРИЧА КИШИ НАФСОНИЯТИГА ТЕГМАНГ

БУНДАН КЎП ЙИЛЛАР МЎҚАДДАМ МАШҲУР «Женерал электрик» компанияси қадимс муаммога дуч келди: Чарльз Штейнмецни бўлам бошига лавозимдан бунаттиша тўғри келиб қолади.

ШТЕЙНМЕЦ электр соҳасида буюк истеъдод эгаси эди, бироқ конструкторлик бўлимининг бошлиғи сифатида бир пулга қиммат эди. Унинг хиссиётга берилувчан, нозик табиати этганлигини билган раҳбарият ишдан бўшатилганга жазм этолмади. Бир ёқдан эса у соҳасининг даҳоси сифатида компания учун доим керак эди. Хуллас, шундай қилиш керакки, сиз ҳам, кадоб ҳам қуймасин. Унга янги лавозим — муҳандис-машахатчиликни теклиф этишди. Яъни ўзи аввалдан шуғилланиб келган ишининг номи ўзгарди, холос. Бўлимга эса бошқа киши бошлиқ қилиб тайинланди. Бу «ўзгариш»дан Штейнмец ҳам хурсанд, раҳбарлар ҳам енгил нафас олишди. Сабоби — биринчидан, энг юқори малакали мутахассисни сақлаб қолишди. Иккинчидан, бу калтис ҳийла жанжал-тўпалонсиз, ҳамирдан қил суғурган-дек уудланди. Мухими эса керакли ходимнинг обрўсига пурта этказилмади, нафсониятига тегилмади. Аммо, афсуски, ҳамма раҳбарлар ҳам бундай нозик масалаларда эҳтиёткорлик билан иш қўрмайдилар. Ходимнинг ишдан хато ахтариб юзига соладилар, таҳдид қилавердилар, қўчиликнинг орасида обрўсини тўқадилар. Бу билан унинг нафсониятига нақадар кучли зарба урганлари ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмайдилар. Ваҳоланки, бир озгина илтифот, юракдан чиққан икки оғиз илқ сўз билан ҳар қандай чигал муаммони ҳал этиш, ҳатто, душманни ҳам дўстга айлантириш мумкин. ...Кўп асрлик ўзаро аёвсиз адоватлардан сўнг 1922 йилда турклар грекларни мамлакатдан бутунлай ҳайдаб чиқаришга қарор қилдилар. Мустафо Камол Отатурк солдатларига шундай деди: «Бизнинг мақсадимиз —

САКСОН МИНГ СЎМЛИК ҚЎЧҚОР

Сиз суратини кўриб турган қўчқорнинг шохли нечта? Агар малол келмаса, буни ўзингиз топинг.

Биз эса сизга бу қўчқор ромитанлик Хайрулло Файзиевни анча-мунча бадавлат қилганлигини сўзлаб берамиз. У кетма-кет уч йил давомида Тўртқўл, Хоразм, Тошовуз ҳамда Бухоро вилояти қўчқорлари орасида «чемпион» бўлиб турди. Қолаверса, Туркманистон давлатидаги қўчқор уриштириш кўрашларидан ҳам ғалаба билан қайтди. Ушбу қўчқор ўз эгаси Хайрулло акага олдий қўйлақдан тортиб то туягача «совға» қилганлигини эшитиб, ҳайратда қолди. Ҳар қалай, еган емини ҳалоллабди, жонивор. Ромитанда шундай кучли қўчқор борлиги овоза бўлгач, «совчилар» кўпайиб кетди. Ишонсангиз, кундузи ҳам, ярим тунда ҳам уларнинг кети узишмади. Ҳеч илож тополмагач, Хайрулло Файзиев қўчқорини сотишга қарор қилди. Тошовузлиқ бир харидор уни саксон миңг сўмга жон, дея олиб кетди. МАШҲОТ ОТАБОЙ.



Машҳот ОТАБОЙ.

Об-Хаво Республика Гидрометеорология маркази хабар қилади: 27 майдан 2 июнга қадар республикамиз ҳудудида ҳаво ёғингарчиликсиз бўлади. Фақат тоғ ва тоғ ён бағрида жойлашган баъзи туманларда қисқа муддатли ёмғир ёғади. Ҳаво ҳарорати ушбу даврнинг биринчи қисмида кечалари 9-14 даража, кундузи 22-27 даража, республиканинг жанубий вилоятларида кечалари 12-17, кундузи кунлари 25-30 даражагача иссиқ бўлиши кутилади. Ушбу даврнинг иккинчи қисмида ҳаво ҳарорати 3-6 даражага кўтариллади.

Эру хотин курортга кетаяпти. Поезд қўзғалгач, хотини хўрсиниб эрига деди: — О, хотин эди ҳозир пианиномиз шу ерда бўлиб қолса... — Хўб бёмани фикрлар келади-да, калланга... — Пианинонинг устида поезд билетини қолдириб келибман... Овдан қайтган эри хотинига кўнгирак қилаяпти: — Анизам, хурсанд бўлавер, бир ой мағазиндан гўшт харид қилмайдиган бўлдинг.

Сизнинг асаларингиз мени қақиб олди, — деб шикоят қилди бир одам асалари бокучи қўшинига. — Қани кўрсатинг бу ярамасни, бошлаб таъбирини бериб қўй. — Официант, мен сизга бифштек олиб келинг деб туртинчи марта айтишим! — О, тямларимиз сизга манзур бўлганидан беҳад хурсандман.

— Вой, бунча яхши, буги олдинги! — деб сўралти хотини хурсанд бўлиб. — Йўқ, маошимни ичиб қўйдим.

ХАЛҚ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Анвар ЖўРАБОВЕВ.

БЎЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Хатлар 33-07-48; Кишлоқ хўжалиги 36-07-94; Иқтисодий 36-36-65; Маънавият 36-35-60; Аxbорот 36-29-89; Туғи муҳарририят 33-10-28. МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотлар кўчаси, 19-уй. Навбатчи муҳаррир — А. Йўлдошев. Навбатчи — Т. Долев.